

В.А. РАФИҚОВ

Конструктив география

546.5
P-24

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

В.А.РАФИҚОВ

КОНСТРУКТИВ ГЕОГРАФИЯ

- 3906 -

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY TILIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент 2016

УДК 576.5+552.508.43 (576.2)

Рафиқов В.А. Конструктив география. Тошкент, 2016

Конструктив география – табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни кейинги вақтларда жиқийлаштираётганлиги туфайли қоз берётган номутаносибликларни илмий асосда ечимининг географик аспектиларини ўрганиш, билиш ва ҳал қилиш масалаларига бағишланган. Инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсирининг муаммолари, табиат комплекслари, уларни ўрганишининг илмий ва амалий аҳамияти, табиий географик жараён ва ҳодисалар, хўжалик фаолиятининг таъсирда геотизимларнинг ўзгариши, ресурсларни баҳолаш, географик прогностлаштириш ва прогност, табиат муҳофазасининг мажмуади мониторинги, табиат ва ишлаб чиқариш комплекслари ҳамда ижтимоий ҳаётни хариталаштириш, экологик-географик муаммолар ва улар ечимининг конструктив-географик асосларига аҳамият берилган.

Монография географ, эколог, биолог, тупроқшунос ва кишлоқ хўжалиги мутахассислари учун мўлжалланган.

Мавзуд муҳаррир – география фанлари доктори, профессор Э.Ю.Сафаров

Тақризчилар: география фанлари доктори, профессор А.Абдулқосимов
география фанлари доктори, профессор Н.И.Сабитова

ЎЗР ФА Сейсмология институты Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган.



© ЎЗР ФА Сейсмология институты

Кىرىش

Табиат бир бутун яхлит геотизимдан иборат бўлганлиги туфайли ундан фойдаланишда тизимли ёндашув татбиқ қилинишини таказо этади. Бинобарин, бу жараёнда табиат ва унинг ресурсларидан мажмуади равишда омилкорлик билан фойдаланиш йўрдалиги экологик ва иқтисодий жиҳатдан аввалдан асосланган. Лекин ушбу фойдаланиш жараёни негизда географик қонуналар ва қонуниятлар мавжудки, биз аксарият уларга етарли эътибор бермаймиз, натижада катта микёсда зарарли оқибатлар риноқланишига асос яратамиз. Дарвоқе, табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишининг географик асослари мавжуд экан уларни билишимиз айнаи мулдаво.

Инсоннинг хўжалик фаолияти табиатда солир бўлар экан у янбагта табиат қонуналарини хисобга олиши, қонуниятларга риоя қилиниш лозим, акс ҳолда унинг ишлаб чиқариш фаолиятида иқтисодий самарадорлик, иш унуми, барқарор тараққиёт, махсулот сифатини яхшилаш ва бошқа соҳаларда жиддий ютуқларга эришишда олдинга силжиш юз бермайди, шунингдек экологик ва иқтисодий-ижтимоий оқибатлар кўлами ортийб боради.

Табиатнинг туб қонуналаридан бири мавжуд моддий тизим ва уни ўриб турган атроф муҳитнинг бир бутунлиги хисобланади. Бу қонунни жамиятта нисбатан кўлланилса, у ҳолда унинг географик муҳит билан бир бутунлик қонуни деб қараш мумкин. Табиатда олбағта бир ҳодисани ўзгариши кўшни геотизимдаги худди шундай қонунсани ўзгаришига таъсир этади, бунда улар орасидаги боғлиқлик қанчалик яқин бўлса, ўзаро таъсир ҳам шунчалик кучли бўлиши кузатилади. Шунинг учун табиатдан фойдаланишда бу қонунга риоя қилиш нақадар муҳим, айнаикса геопара, парагенетик тизимларда (Оролбўйи ва Орол денгизи, Балхашбўйи ва Балхаш кўли) бу табиий ҳодиса жиддий кузатилади. Орол сатҳининг тез ёзураётларда тушиб кетиши туфайли Оролбўйида солир бўлаётган интропоген чулланниш ҳодисаси Амударё ва Сирдарё дельталаридан табиий муҳитнинг тикилаб бўлмайдиган даражада ўзгаришига олиб келимекда.

Табиий муҳитнинг тезкорлик билан тараққий қилишида динлашфўларнинг (геотизим) хилма-хиллиги қонуни таъсири устуворлик қилади. Аниқланишича, худудда табиий муҳит ва ресурсларнинг хилма-хиллиги қанчалик кўп бўлса, жамиятнинг

ривожланиши учун ҳам қудлай шароит вужудга келади. Аксинча, табиий шароит бир хил бўлиб, бойликлар ҳам камбағал бўлса, ишлаб чиқариш қучларининг ривожланиши учун имкониятлар кам бўлади. Табиий муҳит хилма-хил бўлган ҳудудларда инсоннинг ҳужалик фаолияти ҳам фаолроқ ёки қучли содир бўлишнинг тўғайли геотизимларнинг ўзгариши ҳам тезлиги билан ажралиб туради. Бу жараёнда моддий тизим ва атроф муҳит бирлиги қонуни ва ландшафтлар хилма-хиллиги қонуни бир-бирини тўлдирлади ҳамда уларнинг бир вақтдаги ҳаракати юз бериши мумкин. Бу ҳодиса ландшафтларнинг структуралди динамика ҳолати мураккаб бўлган ҳудудларда табиий муҳитнинг тезкорлик билан ўзгариши натижасида ривожланади. У ҳудудда табиий-географик шароитнинг хилма-хиллиги ва шу муносабат билан табиий комплексларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши билан боғлиқ. Ушбу қонунларнинг таъсири натижасида катта ҳудудларда табиий (экологик) шароитларнинг ўзгариши кузатилади.

Мазкур рисола табиий шароит ва табиий бойликлардан илмий асосда фойдаланиш, номақбул ҳодиса ва жараёнларнинг тарқиб топиш ва ривожланишини бошқаришнинг чора-тадбирлари, усуллари билан таништиришни кўзда тутди. Бунда маҳаллий ва регионал жараёнларни кузатиш ва таҳлил қилиш орқали табиатнинг нақадар мураккаблиги ва унга меъёрдан ортиқ таъсир этиш турли салбий оқибатларга олиб келиши муқарраблигига қановат ҳосил этилади. Шу билан бирга номатлуб ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш усуллари билан таништиришдан иборат.

1. ТАБИИЙ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПЛЕКСЛАРИНИ ҲАМДА ИҚТИМОЙ ҲАЁТНИ ХАРИТАЛАР АСОСИДА ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШ

Хариталар халқ ҳужалигида ва илмий тадқиқотларда, харбий ишларда ҳамда муҳандислик қурилишларида, ўқитиш ва тарғибот ишларида кенг қўлланилади. Харитасиз география ва геология фанларини ўрганиб бўлмайди. Таниқли географ Н.Н. Баранский «География – харита билан бошланиб, харита билан тамом бўлади» деган.

Харитани тузиш ва фойдаланиш ҳозирги жамиятнинг иқтисодий, иқтимоий ва снсий ҳаётини кўп жабахаларида фойдаланилади. Харита, географик атлас ва глобус қартишқуносликнинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади, уларнинг инсон ҳаётдаги аҳамияти кўйида асосланган.

1.1. Хариташўнослик ва унинг вазифалари

Хариташўнослик – фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг соҳаси бўлиб, хариташўнослик асарларини яратиш, ўрганиш, фойдаланишини ўз ичига олади. Харита Ер қураасининг маълум қисмини ёки бутун сайёрамизни ўзида муҳасамалаштирган шакли (модели)дир. Харита табиат ва жамиятнинг у ёки бу ҳудудларини тасвирлаш ва тадқиқот қилиш, уларнинг жойлашиши, мувозеллари, ўзаро алоқалари ва ўзгаришлари вақт мобайнида қисмини тўлиқ кўрсата олади. Хариташўнослик табиий ва иқтимоий-иқтисодий географиянинг ўртасида мавжуд бўлган мураккаб фан бўлиб, у ушбу фанларнинг табиат ва жамиятни ўрганишида асосий хизмат қилади, улар картографик усуллардан кенг фойдаланилади. Хариталар аке эттираётган мазмунига кўра раумгеографик ва мавзули гуруҳларга бўлинади. Умумгеографик хариталар жойнинг асосий элементларини бир бутун ҳолда тасвирлайди. Харитада ҳудуднинг гидрографияси, рельефи, аҳоли пунктлари, автомобил ва темир йўллари, ёлғиз оёқ йўллари ва бошқалар кўрсатилади. Хаританинг кўрсатадиган элементларининг мувозелли унинг масштабига боғлиқ. Улар орасида топографик хариталар ҳудуд тўғрисида атрофлича маълумот беради.

Хариталар дала шароитида ўрганилаётган ҳудудга бориб муваммаслилар гуруҳи (топографлар) тегишли топширик бўйича

жойни съёмка қилишлари натижасида мўлжалланган харита тайёрланади. Жуда йирик хариталар (1:2000-1:5000) асосан ҳўжалик тадбирлари (тидроузет, сув омборининг тўғони, ГЭС, дарёда қурилатган кўприк ва бошқалар) йирик масштабли хариталар (1:5000-1:10000) сановат корхоналарининг айрим цехлари (металл қуювчи, пўлат қуювчи йирик станлар ва бошқалар), ГРЭС, ўйдим-чўқур рельеф шароитида темир ва автомобиль йўллари, газ қувурлари ва бошқаларни лойиҳалашда фойдаланилади; 1:10000-1:25000 масштабли хариталар сановат корхоналари (фўқаро уйлари, бағалда қаватли бинолар, текисликдаги темир ва автомобиль йўллари ва бошқалар)ни қуришда ишлатилади; масштаб 1:25000-1:50000 ва 1:100000 хариталар таджиқот ишлари ва бошқа амалий тадбирларни лойиҳалашда фойдаланилади ва ҳоказо.

Албатта, юкорида кўрсатиб ўтилган турли масштаблардаги хариталар жойларда топографлар томонидан ҳудудларни харитага туширишлари натижасида тайёрланади. Турли масштабларда (энг йириктан то 1:100000 масштабгача) давлат буюртмаси билан тайёрланади ва тегишли миклорда нашр этилади, мазкур хариталарни топографик хариталар деб аталади. Топографик хариталар ўзаро қабул қилинган шартли белгилар асосида тайёрланади. Хаританинг масштаби ўзгарган сари шартли белгиларнинг мазмуни мураккаблашиб боради.

Табиатни ёки ижтимоий ишлаб чиқаришни хариталаштиришда мавжуд ҳудудни тўлиғи билан ҳодиса ва жараёнларни бутун ҳолда тасвирлангани ёки табиий муҳитнинг айрим ҳодисаларини (ёки иқтисодий географиянинг бирор соҳасини) харақтерлаши мумкин. Бинобарин, хариталаштириши мажмуали ва соҳали бўлиши мумкин. Мажмуали (мазмунни бўйича мажмуали) хариталарга, ландшафт, рекреация хариталарини киритиш мумкин. Чўнки мазкур хариталар ТК (табиат комплекслари)нинг барча компонентлари ва геосистемаларни ҳамда бошқа махсус элементларни тасвирлайди. Демак, битта харитада кўплаб ахборотлар мавжуд, мазкур харита мажмуалини билан фарқланади.

Мавзули хариталар табиий шароит ва ресурсларнинг бирор турини ақс эттиради. Масалан, иқлим, тулпрок, транспорт, аҳоли пунктлари, тарихий воқеалар ва бошқалар. Улар табиий ҳодисалар ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар хариталарига бўлинади. Ўз навбатида ҳар бир гуруҳдаги хариталар яна бир неча гуруҳдаги

хариталарга бўлиниб кетади. Чўнончи, иқлимий хариталар гуруҳи ўртача ёғин миклори, ҳавонинг ўртача ҳарорати, иқлимий минтикалар ва бошқаларга бўлинади.

Мавзули хариталар ҳам қайд қилинаётган мавзунинг миқёсига қариб умумий ва соҳали бўлиши мумкин. Умумий мавзули харита кенгрок мавзуга, соҳали харита эса унинг бирор жабаҳасини тасвирлаши мумкин. Масалан, умумиқтисодий харита ақлида мавзули хариталар гуруҳига кириши билан, бошқа томондан шу гуруҳдаги хариталарга нисбатан умумий мавзуга эга. Сановат харитаси эса унга нисбатан соҳали харита ҳисобланади.

Географик хариталар максалита кўра илмий маълумотномади, ўқув, денгиз навигацияси, аэронавигация, юлистерли, лойиҳа, ташвиқот, сайёҳлик ва бошқа турларга бўлинади. Илмий — маълумотномади хариталар махсус мутахассислар учун зарур бўлади, уларда мавзунинг мазмунига кўра ахборот снгими ниҳоятда кўп. Масалан: Ўзбекистон Республикасининг экологик харитаси (масштаби 1:1000000), Ўзбекистон Республикаси табиатини муҳофаза қилиш харитаси (масштаби 1:1000000), экологик вазият ва бошқа соҳалар бўйича янги даражада ахборот бера олади. Ўқув хариталари аввало ўрта махсудлир ҳамда олий ўқув юртлари учун алоҳида ҳолда нашр этилади, уларнинг мазмуни бир-биридан етарли даражада фарқ қилган. Ўзбекистон Республикасининг табиий географик харитаси (масштаби 1:1500000) ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун яқинда босилиб чиққан. Сайёҳлар харитаси бирор ҳудуд (масалан, Тошкент вилояти, Пеком тоғ тизими ва бошқалар)га бағишланади, кўпрок ўрта масштабда чоп этилади, унда сайёҳлар учун зарурий бўлган барча картографик ахборотлар ва маълумотлар мавжуд бўлади.

Географик атлас — маълум бир дастур асосида бажарилган хариталар рўппамининг тизимли йнтиндиси, у бир бутун картографик асардан иборат. Атласда хариталар мавзулар бўйича бир-бири билан боғлиқ, бир-бирларини тўлдирлади. Атласда шартли белгилар ва ранглар мўқобил тарзда тузилган бўлади. Уларда юлистерлини тушуниш учун кўшимча тарзда матн, маълумотномади материаллар, графикалар, расмлар, жадваллар берилган.

Атласлар етлавлан ҳудуди бўйича Ер қуррасини (Маълумотномади география атлас, 1986 йил), материк ёки